



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ АКТИВЛАРГА ЗАХИРА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНДАН МАМЛАКАТИМИЗ БАНК АМАЛИЁТИДА ФОЙДАЛАНИШ

*М.Х. Тахиров,*

*Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

## FOREIGN EXPERIENCE IN PROVISIONING FOR PROBLEM ASSETS IN COMMERCIAL BANKS AND ITS USE IN THE BANKING PRACTICE OF OUR COUNTRY

*M.K. Takhirov,*

*Independent researcher of the Tashkent Institute of Finance*

*Tashkent, Uzbekistan*

**JEL classification: M4, M42**

**Аннотация.** Активларни таснифлаш ва захира ташкил этиши кредит рискларини бошқариш тизимида, банк назоратида ҳамда бозор тартиб-интизомини ривожлантириш учун шароитлар яратганда сезиларли роль ўйнайди. Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан бир неча охирги йиллар мобайнида ушбу масала бўйича энг яхши халқаро амалиётни умумлаштирувчи қатор ҳужжатларнинг нашр этилиши бунинг ифодаси ҳисобланади. Бир пайтнинг ўзида ушбу соҳага доир бир қатор саволларга халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган ягона жавоб мавжуд эмас.

Натижада ҳар бир мамлакат активларни таснифлаш ва захира ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларни асосан воқеа-ҳодисалар табиати тўғрисидаги ўз тасаввурларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этади. Ёндашувлар характери шаклланиб бўлган тартибга солиш тизимида, методик тасаввурлар ва регуляторнинг афзалликларига, ҳисобга олиш хусусиятларига, банк, фуқаролик

ҳамда солиқ қонунчилиги ва бошқаларга асосланади.

Мақолада банкларнинг муаммоли активларига захира ташкил этишининг хориж тажрибаси ва ундан мамлакатимиз банк тизими амалиётида фойдаланиш илмий жиҳатдан асослаб берилган.

**Abstract.** Asset classification and reserve organization play a significant role in the credit risk management system, banking supervision, and creating conditions for the development of market discipline. The publication of a series of documents summarizing the best international practice on this issue by the Basel Committee on Banking Supervision over the last few years is an expression of this. At the same time, there is no single answer recognized by the international community to a number of questions in this field.

As a result, each country solves the issues related to the classification of assets and the organization of reserves based mainly on its own perceptions of the nature of events. The nature of the approaches is

*based on the established regulatory system, methodological ideas and preferences of the regulator, accounting features, banking, civil and tax legislation, etc.*

*In the article, the foreign experience of setting up a reserve for problematic assets of banks and its use in the practice of the banking system of our country is scientifically justified.*

**Калим сўзлар:** муаммоли активлар, муаммоли кредитлар, захиралар, умумий захиралар, махсус захиралар, активларни таснифлаш, кредит риски, рискларни суғурталаш.

**Keywords:** *problem assets, non-performing loans, reserves, general reserves, special reserves, asset classification, credit risk, risk insurance.*

**Кириш.** Ўзбекистонда банк тизими барқарорлигини таъминлаш, активлар сифатини ошириш орқали банкнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, кредит портфелини соғломлаштириш натижасида банкнинг дивидендларини ошириш, иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини ва жисмоний шахсларни кредитлаш долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида «кредит портфели сифати ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро миқёсда амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий

барқарорлигини таъминлаш» муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган. [1]

**Материал ва метод.** Турли мамлакатларда қўлланиладиган активларни таснифлаш ва захираларни яратиш методикаларининг турфалиги анча жиддий муаммо сифатида ҳис этилмоқда. Жаҳон банкининг мазкур мавзуга бағишланган таҳлилий маърузасида шундай дейилади: “Ссудалар таснифи ҳам, захираларни яратиш ҳам бир қатор концептуал ва амалий даъватларни ташлайди ва турли мамлакатларда турли тизимлар қўлланилади. Ўхшашлик мавжуд бўлса-да, халқаро тан олинган таърифларнинг етишмовчилиги сезилмоқда. Масалан, “махсус захиралар” ва “умумий захиралар” тушунчалари кўплаб тартибга солувчи тизимларда мавжуд, аммо уларнинг тавсифи ва қўлланиш характери у мамлакатдан бу мамлакатга ўзгаради. Турли бошқариш тизимларидаги бундай фарқлар натижасида регулятив капиталнинг таърифлари ҳам фарқ қилмоқда, бу эса муҳим молиявий коэффицентларни талқин қилишни, айниқса банкларнинг молиявий аҳволини мамлакатлараро таққослаганда, қийинлаштирмоқда”<sup>1</sup>.

Қайд этиш жоизки, техникага доир миллий тасаввурлардаги, бир қатор ҳолатларда эса, активларни таснифлаш ва захира қилиб қўйиш масалаларининг мазмунидаги жиддий фарқлар ушбу соҳада халқаро даражада мавжуд бўлган методик вакуумнинг бир пайтнинг ўзида ҳам оқибати, ҳам сабаби сифатида чиқади. Ушбу вакуум банк назорати бўйича миллий органларнинг борган сайин кўпроқ Банк назорати бўйича Базель кўмитасига мурожаатларни келтириб чиқармоқда. [2]

<sup>1</sup> <https://www.worldbank.org/en/research/brief/world->

[bank-policy-research-working-papers](https://www.worldbank.org/en/research/brief/world-bank-policy-research-working-papers)

Захиралар актив (гуруҳи, активлар портфели) ўз қийматини (унинг бир қисмини) эҳтимолий йўқотиши фактининг, яъни унинг (уларнинг) кадрсизланишининг тан олинишини акс эттиради. Шу муносабат билан захиралар носавдо активлар бўйича яратилади, яъни қарздорларга талаблар аввало бозор баҳосини аниқлаб бўлмайдиган активлар бўйича қўйилади. Бундай активларга дебиторлик қарздорлигининг асосий қисми ҳам киради.[3]

**Натижалар.** Захираларни умумий ва махсусга ажратиш мезони сифатида кредит таваккаллариининг ўсиши ва ссудаларнинг кадрсизланиш хусусияти таклиф этилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан умумий деганда тизимли (умумий) характердаги ноқулай воқеалар муносабати билан яратиладиган захираларни тушуниш керак, чунки ушбу воқеаларнинг салбий таъсири конкрет ссудалар (конкрет қарздорлар) билан идентификацияланиши мумкин эмас, аммо шартномавий мажбуриятларнинг барча қарздорлар ёки уларнинг бир қисми томонидан бажарилиш истиқболларини ёмонлаштириши аниқ. Махсус захиралар конкрет қарз олувчи фаолиятининг индивидуал (махсус) ҳолатлари муносабати билан яратилади, ушбу ҳолатлар қарз олувчининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади ёки қарзни қайтариш (хизмат кўрсатиш) нуқтаи назаридан унинг хатти-ҳаракатидаги салбий жиҳатларга ишора қилади. Бундай ёндашувда бир турдаги ссудалар портфели остига шаклландиган захиралар ўзининг яратилиш сабабига қараб, ҳам умумий, ҳам махсус бўлиши мумкин. Масалан, умумий иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви туфайли истъомол кредитлари портфели остига яратиладиган захиралар (улар портфель

сифатида бевосита акс этмагани учун) умумий захиралар сирасига киритилиши керак. Бевосита портфель сифатининг пасайиши муносабати билан яратиладиган захиралар эса махсус захираларга киради.

Жаҳон банкининг ссудалар таснифи ва захира ташкил этиш масаласи бўйича ҳужжатидаги кириш сўзида Жаҳон банки вице-президенти Чезаре Калари (Cesare Calari) турли мамлакатлар ўз ёндашувларини амалга оширадиган қуйидаги жиҳатларни қайд этиб ўтди:

ссудаларнинг таснифий тоифалари;

ягона ссуда бўйича дефолтнинг шу қарз олувчининг ўзига тақдим этилган бошқа ссудалар сифатини баҳолашга таъсири;

қайта таркиб топтирилган муаммоли ссудаларни таснифлаш бўйича талаблар.

Кўрсатилган масалалар бўйича ёндашувлардаги фарқлар ҳақиқатан ҳам мавжуд. Аммо улар мазмуний баҳолашнинг ўзига хос хусусияти билан эмас, балки банк назорати органларининг ўз вазифаларини амалга ошириш хусусиятлари билан шартланган. Бунда у ёки бу миллий хусусиятга эга назорат функцияларининг амалга оширилиши моддий жиҳатдан етарлича яқин натижаларни бериши мумкин. Қуйидаги ёндашувларни кўриб чиқамиз.

Жаҳон банки тадқиқотида иштирок этган 23 та мамлакатдан иборат терма бўйича регулятор томонидан белгиланган таснифий гуруҳлар сони нолдан (таснифий гуруҳлар сони бўйича талаблар Буюк Британия, Нидерландия, Австралия ва Саудия Арабистонида ўрнатилмаган) тўққизгача (Бразилия) атрофида ўзгариб туради. Бешта таснифий гуруҳ (11 та мамлакат) энг оммабоп ҳисобланади.[4]

Таснифий тоифалар сони бўйича конкрет шартларни қўймайдиган мамлакатлар банклардан ссудалар таснифига бўлган ёндашувларни белгиловчи ички ҳужжатларни ишлаб чиқишни талаб қилишади. Бу ҳолатда регуляторнинг бирламчи вазифаси банклар томонидан ишлаб чиқилган ички ҳужжатларнинг сифатини баҳолаш ва зарурат туғилганида уларни тўғирлаш бўйича талабларни қўйиш ҳисобланади. Айтиш жоизки, худди шундай ёндашув барча ривожланган мамлакатлар томонидан қабул қилинган. Баъзи мамлакатларда (Германия, Франция, Италия, Япония) таснифий гуруҳларнинг энг кам сонини кўзда тутувчи ссудалар таснифи бўйича ҳужжатлар нашр этилган бўлса-да (кўрсатилган мамлакатлар бўйича тегишли тарзда 4, 5, 3 ва 5), аммо бу ҳужжатлар кўпроқ тавсия характерига эга бўлиб, ссудаларни батафсил таснифлаш сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича асосий юклама барибир банкларнинг ўзларига юклатилади.

АҚШда таснифлаш стандартлари ссудаларни инспекция қилиш процедураларининг элементи сифатида илк бор 1938 йилда нашр этилган. Бугунги кунда ссудаларни сифатнинг камида бешта таснифий тоифасига киритишни кўзда тутувчи 1979 йилги (қўшимчалар билан) стандартлар амал қилмоқда. Бир вақтнинг ўзида банклар томонидан кўп миқдордаги таснифий гуруҳларни кўзда тутувчи ўз таснифий процедураларини ишлаб чиқиш рағбатлантирилади. Аввало, стандарт ссудаларнинг турли гуруҳлари бўйича таснифлаш имконияти назарда тутилади.

Сўровда иштирок этган ривожланаётган мамлакатларнинг аксарияти (18 дан 14 таси) ссудаларни таснифлашнинг ажралиб турадиган қатъий маъмурий доминантли моделини

амалга оширишади. Ушбу модель банкларга регулятор томонидан белгиланган мезонлар ва параметрларга мувофиқ равишда ссудаларни таснифлаш бўйича талабларни қўйишга асосланган. Ушбу гуруҳга хос бўлмаган либерал ёндашувни амалга оширувчи мамлакатларда юқорида қайт этилган Австралия ва Саудия Арабистонидан ташқари Гонконг ва Хитой ҳам киради.

Шундай қилиб, мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган ёндашувлардаги фарқлар ҳам формал, ҳам мазмуний характерга эга. Формал фарқлар таснифий тоифалар (гуруҳлар) сонининг сезиларли тарқоқлигидан иборат. Бунда улар сонининг ортиш тенденцияси устун. Асосан бу стандарт ссудаларга тааллуқли. Асосларга қараб стандарт ссудаларни турли тоифаларга киритиш статистик захиралаш мафқурасини акс этириши мумкин. Бу ҳолатда бевосита захира қилиб қўйиш нуқтаи назаридан ушбу ёндашув янглиш ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида, агар сўз кадрсизланиш даражаси сезиларли бўлмаган ссудаларни стандарт тоифага киритиш ҳақида борса, вазият ссудаларни таснифлаш техникасини бевосита анъанавий захиралаш мақсадларига йўналтирилганини намойиш этиши мумкин. Албатта, бу ҳолатда бундай ссудалар стандартлигининг ҳақиқийлиги масаласи юзага келади: уларни муаммолилар тоифасига киритиш тўғри бўларди. Аммо шунга қарамасдан, таснифлаш техникаси ривожланишининг ушбу варианты қандай конкрет асосга қурилмасин, кредит таваккалини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг умумий жараёни нуқтаи назаридан бундай тенденцияни фақат олқишлаш мумкин холос.

Эҳтимолий йўқотишлар даражаси бўйича ссудаларни таснифлашга бўлган регулятив ёндашувлардаги мазмуний

фарқлар нуктаи назаридан иккита умуман турлича ёндашувни ажратиш мумкин, хусусан:

маъмурий ёндашув, бунда таснифий гуруҳларнинг сони ва характеристикасини регулятор белгилайди, банкларга эса ссудаларни тегишли таснифий гуруҳга киритиш бўйича қатъий талаблар қўйилади;

либерал ёндашув, бунда банкларга ссудаларни таснифлашга бўлган ёндашувларни мустақил равишда белгилаш имконияти берилади, ушбу

имкониятларга таснифий гуруҳларнинг сони ва характерини банклар ўзлари мустақил равишда белгилаш имконияти кириши ёки кирмаслиги мумкин. Бунда банклар томонидан ишлаб чиқилган ёндашувларнинг сифатини назорат қилиш вазифаси регуляторда қолади, банклар регулятор томонидан акцептланган ёндашувларга амал қилади ва ёндашувларни тегишли тарзда тўғирлаш ва (ёки) уларни амалга ошириш амалиёти бўйича талабларни қўяди.

### 1-жадвал

**Ривожланган давлатлар тижорат банкларида зарарларни қоплаш учун ташкил этилган захираларнинг банк активларидаги улуши динамикаси<sup>2</sup>, фоизда**

Банк номи	Давлат	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й
JP Morgan	АҚШ	0,5	0,5	0,8	0,4	0,5
Bank of America	АҚШ	0,4	0,4	0,7	0,4	0,4
HSBC	Буюк Британия	0,3	0,3	0,5	0,4	0,4
Mizuho	Япония	0,1	0,1	0,2	0,2	0,3
Credit Agricule	Франция	0,6	0,5	0,5	0,4	0,4
Toronto Dominion	Канада	0,3	0,3	0,5	0,4	0,3

Тақдим этилган маълумотларда ривожланган мамлакатлар тижорат банкларида зарарларни қоплаш учун ташкил этилган захираларнинг банк активларидаги улуши динамикаси акс эттирилган. АҚШнинг йирик банклари JP Morganда захиралар улуши 2018-2022 йилларда ўртача 0,5 фоизни, Bank of America захираларидаги улуши эса 0,4 фоизни ташкил этган.

Буюк Британиянинг HSBC банкида активлар сифати биров салбий томонга ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. 2018 йилда ташкил этилган захираларнинг умумий активлардаги улуши 0,3 фоизни

ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб 0,4 фоизга қадар ошган. Умуман олганда банк активлари сифати ниҳоятда барқарор.

Япониянинг Mizuho банкида захираларнинг активлардаги улуши энг паст кўрсаткични кайд этган, яъни ўртача 0,2 фоиз. Франциянинг Credit Agricule банкида активлар сифати 2022 йилда 2018 йилга нисбатан анча ошганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2018 йилда 0,6 фоиздан 2022 йилда 0,4 фоизга қадар камайган. Канаданинг Toronto Dominion активлардаги захиранинг улуши 0,3% даражасида барқарор сақланиб қолинган

<sup>2</sup> <https://www.wsj.com/> маълумотлари асосида

**Ривожланаётган давлатлар тижорат банкларида зарарларни қоплаш учун ташкил этилган захираларнинг банк активларидаги улуши динамикаси<sup>3</sup>, фоизда**

Банк номи	Давлат	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й
ICBC	Хитой	1,3	1,5	1,6	1,6	1,7
CCB	Хитой	1,5	1,8	1,9	2	2,1
Banco de Brasil	Бразилия	2,3	2,5	2,5	2,3	2,5
Bank Rakyat Indonesia	Индонезия	2,7	2,8	4,4	5,2	5
Standart bank	ЖАР	1,7	1,6	2	1,9	1,9

Тақдим этилган маълумотларда ривожланаётган мамлакатлар тижорат банкларида зарарларни қоплаш учун ташкил этилган захираларнинг банк активларидаги улуши динамикаси акс эттирилган.

Дунёдаги энг йирик банк ҳисобланган ICBC захираларининг банк активларига нисбатан улуши 2018 йилда 1,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 1,5 фоиз, 2020 ва 2021 йилларда мос равишда 1,6 фоиз ва 2022 йилда 1,7 фоизгача кўтарилди. Хитойнинг яна бир йирик банки CCBда эса захираларнинг жами активлардаги улуши 2018 йилда 1,5 фоиздан 2022 йилда 2,1 фоизга қадар ортганлигини кўришимиз мумкин. Бу банкда охириги 5 йилликда активлар сифати бироз пасайган.

Бразилиянинг Banco de Brasil банкида 2018 йилда захираларнинг улуши 2,3 фоиз бўлса, 2022 йилга келиб 2,5 фоизни ташкил қилган.

Индонезиянинг Bank Rakyat Indonesia банк активларига нисбатан захираларнинг улуши 2018 йилда 2,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 5 фоизга қадар ошган. Мазкур ҳолат банкнинг активлари сифатининг пасайганлигидан далолат беради.

ЖАРнинг Standart bankда банк активларига нисбатан захираларнинг улуши 2018 йилда 1,7 фоизни ташкил этган, 2022 йилда эса 1,9 фоизга етган.

Умуман олганда, ривожланаётган давлатларда банк активлари сифати ривожланган давлатлар банк активларидан бироз пастроқ эканлигини кўриш мумкин.

**Хулоса.** “Захиралар” (provisions) атамасининг ўзини муваффақиятсиз деб тан олиш керак, у ўзи ифодалайдиган ҳодисаларнинг иқтисодий моҳиятини тушунтиришдан кўра бузиб кўрсатади. Аслида сўз қандайдир бир захирани ёки қиймат запасини яратиш ҳақида эмас, балки аксинча, активлар қийматининг камайиши (қадрсизланиши) муносабати билан йўқотишларни тан олиш тўғрисида бормокда. Ғарб амалиётида баъзида “allowances” атамаси мосроқ сифатида таклиф этилади, ушбу атама мазкур контекстда қийматни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини билдиради. Аммо ушбу муқобил атамага ҳам эътироз билдириш мумкин, чунки, биринчидан, атаманинг моҳият бўйича керакли маъноси ўйлаб топилган. Ссудаларни таснифлашдаги турли мамлакатларда қўлланиладиган ёндашувлар ҳақиқатан ҳам турли-туман

<sup>3</sup> <https://www.wsj.com/> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари



бўлиб, кўп ҳолатларда улар орасидаги фарқлар анча катта. Шунга қарамасдан ташқи фарқлар ортида банк иши ва молия бозорлари турлича ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган

ёндашувларнинг муайян типологияси кузатилади. Умумий қоидага кўра, бозори ривожланган мамлакатлар кўпроқ либерал ёндашувларни қўллашади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон.
2. Базельский комитет по банковскому надзору. Международная Конвергенция Оценка Капитала и Стандарты Капитала. Базель, 2002. -425 с.
3. Замонавий бухгалтерлик ҳисоби методикаси, яъни Молиявий ҳисоботнинг халқаро андозалари “39 “Молиявий воситалар: эътироф ва баҳолаш” (қуйида МХХА 39).
4. <https://www.worldbank.org> – Жаҳон банки расмий сайти
5. <https://www.wsj.com/> - иқтисодий маълумотлар базаси